

## Расчёт.

Монтаж и пуско-наладка систем видеонаблюдения  
Заказчик: Бюро Межрайдистик-технология институты

N п.п.	Шифр номера	Наименование работ и затрат	Единица измерения	Количество			Цена за единицу	Э/плата	Механизмы	Материалы	Оборудование
				измерения	на единицу	по проектным					
1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11	
<b>П1004-67-22 АППАРАТУРА ЦВЕТНОГО ТЕЛЕВИДЕНИЯ. КАМЕРА ТЕЛЕВИДНАЯ ПЕРЕДАЮЩАЯ</b>											
1517-1	ПЕЧАТЬ ТЕЛЕВИДЕНИЯ С ДИСКАМ СИСТЕМЫ МАКСИМ	шт	4	10,2	69,2	13250,89	81590115				
1517-2	ПРУЖА ПЛОСКОСИММЕТРИЧНАЯ С ДИСКАМИ СИСТЕМЫ МАКСИМ	шт	0,006	0,104	1800,00						611
1517-3	НАСОСЫ ЧИСТОЙ ВОДЫ	шт	0,118	7,552	1500						11328
1517-4	КАМЕРА ИЗОДИАГНОСТИЧЕСКАЯ ВНУТРЕННАЯ, IP, ANPR Ниватек	шт	4	256	100,00						28600
1517-5	КАМЕРА DS-2CD2142F-E, ВНУТРЕННАЯ, IP, ANPR Ниватек	шт	20,000	510000,00							10150000,00
1517-6	КАМЕРА DS-2CD1042F-E, ПАРУЖАЯЩАЯСЯ, IP, ANPR Ниватек	шт	21,000	450000,00							9410000,00
П1009-3-12	АППАРАТУРА ВИДЕОНАЛАДКИ ПОДКЛЮЧЕНИЯ. ЦИФРОВОЕ ВИДЕОЗАПИСЫВАЮЩЕЕ УСТРОЙСТВО	шт	1,000								
<b>ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧЕСТВОПРОДОЛЖЕНИЙ</b>											
1517-4	ВИДЕОРЕГИСТРАТОР DS-7764NI-I4-NVR-64канала Nivotek	шт	1,000	5445000,00							545000,00
П1009-4-1	ЛОДКА НАСТРОЙКА ЦИФРОВЫХ СИСТЕМ ОБРАБОТКИ ВИДЕОСИГНАЛА.	шт	0,000								
3	ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ ПРОВЕРКА ВИДЕОЗАПИСЫВАЮЩЕГО УСТРОЙСТВА	шт	60	0	13250,89	0					
П104-8-1	СЪЕМНЫЕ И ВЫДВИЖНЫЕ БЛОКИ (МОДУЛИ, ЯЧЕЙКИ, ТЭР, МАССА, КТ, ЛОС)	шт	4,000								
<b>ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧЕСТВОПРОДОЛЖЕНИЙ</b>											
1517-5	ЗАСТЕКЛЕННЫЙ ПАМЯТЬ ОБЪЕМОМ 64 ГБ	шт	4,000	1700000,00							1600000,00
П104-26-3	РАДИО С РАДИО-ЛЮПЛ И ВКЛЮЧЕНИЕМ РАДИОЧАСТОТНОГО КОММЮНИКАЦИОННОГО	шт	192,000								
<b>ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧЕСТВОПРОДОЛЖЕНИЙ</b>											
1517-1	КОННЕКТОР RJ45	шт	192,000	28204,96							
П1009-2-6, ЛОДКА АППАРАТУРА ВАСТЕНИОГО ТИПА, ВКУ/МОНИТОР ДЛЯ ВИДЕОКРОССА	шт	1,000									
<b>ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧЕСТВОПРОДОЛЖЕНИЙ</b>											
1517-2	МЕТАЛЛЮРГИЧЕСКИЙ	кг	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	0,4	2744
1517-3	МОНИТОР 40 ДИОПТРА	шт	1,000	2640000,00							240000,00
2405-2	НДМ КАБЕЛЬ 1,5М	шт	1,000	35000,00							3500,00
2405-3	РОВЕТКА ЭЛЕКТРИЧЕСКАЯ X2	шт	10,000	20000							2000,00
П104-8-1	СЪЕМНЫЕ И ВЫДВИЖНЫЕ БЛОКИ (МОДУЛИ, ЯЧЕЙКИ, ТЭР, МАССА, КТ, ЛОС)	шт	11,000								
<b>ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧЕСТВОПРОДОЛЖЕНИЙ</b>											
1517-8	СЕТЕВОЙ РОУ SWITCH 8 ПОРТОВ	шт	1,03	11,13	13250,89	150131					
1517-10	П1001-55-2 ПРОКЛАДКА КАБЕЛЯ ПО СТИРАМ КАБЕЛЬ, МАССА 1 МД 1 КТ, ПО СТЕПЕНЬ КИРПИЧНОЙ	шт	7,000	36,000	165000,00						245000,00
<b>ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧЕСТВОПРОДОЛЖЕНИЙ</b>											
1517-11	ПРОДОЛЖЕНИЕ КАБЕЛЯ ПО СТИРАМ КАБЕЛЬ, МАССА 1 МД 1 КТ, ПО СТЕПЕНЬ КИРПИЧНОЙ	шт	4,000								
<b>ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧЕСТВОПРОДОЛЖЕНИЙ</b>											
30654	ПРОДОЛЖЕНИЕ ВВЕДУЩИХ	т	0,0055	0,0165	350000	4591597					5775
35102	ПОЛУЧАТЬ С ПОЛУЧАТЬ ГОЛОВКОЙ СКОРОСТЬ	т	0,00130	0,0417	1600000	462700					
54665	СОРВЕТЬ ФЛУТУРЫ СКОРОСТЬ	шт	3,12	93,6	2500	234000					
54666	ДОБЫЧА ПЛАСТИКОВЫЕ С ПОЛУЧАТЬ ГОЛОВКОЙ	шт	36,9	1107	1000	1187000					
1517-1	КАБЕЛЬ МАРКИ UTP УЧАСТИКИ	м	2500,0000	3400,00							
1517-2	ПРОВОД МАРКИ ПУППИ	м	500,0000	3400,00							
1517-3	ПРОВОД СТАЛЬНОЙ ЛИММ	кг	10,0000	14000,00							15000,00
П1009-2-4 ЛОДКА АППАРАТУРА ВАСТЕНИОГО ТИПА. КОРОВКА КАБЕЛЬНАЯ СОЖИДИТИЛЬНАЯ ВСЕ РАЗВЕТВЛЕНИЯ	шт	64,0000	64,0000	13250,89	150020						
<b>ЗАТРАТЫ ТРУДА РАБОЧЕСТВОПРОДОЛЖЕНИЙ</b>											
2405-4	КОРОВКА СОЖИДИТИЛЬНАЯ	шт	4	250	13250,89	150020					

1	2	3	4	5	6	7	8	9	10	11
		КОРОД ПЛАСТИМОССОВЫЕ ШИРНОЙ ДО 40 ММ	100 Н	10,0000						
ПН02-396-20 ДОЛ. 3	1	ЗАКРЫТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ. Ч	15,99	159,9	11250,89	2118817			
	S1	ДРЕИН.ОБЪЕКТИВНЫЕ ШУРУПЫ С ПОЛУКРУГЛОЙ ГОЛОВКОЙ АХ40 ММ	МАШ. Ч	1,56	16,6	277,60	13078,18			
	35101		Ч	0,001	0,01	1600000	160000			
	41014	ДЛОССЕЛИ МОНТАЖНЫЕ	10 НТ	20	200	1000	200000			
	57901	КОРОД ПЛАСТИМОССОВЫЕ 10Х16 ДЛИНОЙ 2М	ПТ	1	500	8750	4175000			
ПН02-409-1	25	ТРУДА ПО СТЕПЕНАМ II КОЛОНИАМ С КРЕПЛЕНИЕМ СКОБАМИ, ДИАМЕТР, ММ, ДО	100Н	10,0000						
	1	ЗАКРЫТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ. Ч	11,9	119	13250,89	1378856			
	2875	ПЕРФОРАТОРЫ ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ	МАШ. Ч	4,84	48,4	787,20	342278,48			
	30478	ДЛОССЕЛИ ДЛЯ ПРИСТЕПКИ	10НДТ	13,4	134	1500	201000			
	46163	СКОБЫ	10НТ	6,7	67	210,60	16750			
	931458	ГОРДО-ПРУДЫ ГС. НР Л 20 ММ ДЛЯ ПРОКЛАДКИ КАБЕЛЕЙ (С ЗАЩИТОЙ КОРБЕКИЩИК) С ЗАЖИМОЙ ДЛЯ КАБЕЛЕЙ И ПРОВОДОЙ СЕЧЕНИЕМ ДО 6 ММ2. УСТАНАВЛИВАЕМАЯ НА КОНСТРУКЦИИ ПА СТЕНЕ ИЛИ КОЛОНИЯ, КОЛИЧЕСТВО ЗАЖИМОЙ, ДО 10	М	1	1000	2200,00	220000			
ПН02-545-1			ШТ	10,0000						
	1	ЗАКРЫТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ. Ч	3,31	33,1	13250,89	43804			
	521	ДРЕИН.ЭЛЕКТРИЧЕСКИЕ	МАШ. Ч	0,04	0,4	777,60	291,60			
	30454	ДЛОССЕЛИ РАСПРОЧНЫЕ	10НДТ	0,014	0,14	13000	21100			
	30478	ДЛОССЕЛИ ДЛЯ ПРИСТЕПКИ	10НТ	1,22	122	1500,00	18100			
ПН17-9		ШИТ 1Х150Х400Х1М	ШТ	10,0000	210000,00					
ПН09-4-5 ДОЛ.	3	НАСТРОЙКА ПЛЮФОВЫХ СИСТЕМ ОБРАБОТКИ ВИДЕОСИГНАЛА. НАСТРОЙКА СИСТЕМЫ КОНТРОЛЯ И УПРАВЛЕНИЯ. КОНТРОЛЬНЫЕ И ПРИЕМО-СДАТОЧНЫЕ ИСПЫТАНИЯ БЕЗ ОТКЛЮЧЕНИЯ	ЧЕЛ. Ч	1,0000						
	1	ЗАКРЫТЫ ТРУДА РАБОЧИХ-СТРОИТЕЛЕЙ	ЧЕЛ. Ч	180	180	13250,89	2351160			
			ОМ	26970924						
		ЗАРДОБОЧНЫЕ АКСЕССУАРЫ	ОМ	32855119						
		ОЧИСКАНИЕ НА СОЛНЦЕСВЕДЕНИЕ 12%	ОМ	46588						
		МЕХАНИЗМЫ	ОМ	23352569						
		МЕХАНИЗМЫ	ОМ	1177625						
		ГИДРОСИСТЕМЫ УЧЕРГИ 5%	ОМ	4795000						
		ОБОРУДОВАНИЕ	ОМ	959900						
		ГИДРОСИСТЕМЫ УЧЕРГИ 2%	ОМ	10889148						
		ИЧНО	ОМ	149817						
		ПРОЧИЕ ЗАПЧАСТИ ПОДДЕРЖИВАЮЩИЕ 15%	ОМ	11216762						
		ИЧНО	ОМ							
		ИЧНО С ОГРАНИЧЕНИЕМ С НЧС 15%	ОМ							

Н.Р.Баракаев  
Ф.Г.Гайбулаев  
И.Г.У.Эргашев  
И.Бафоев  
М.Талабов

Бухоро Мужандислик-технология институты ректори:  
Бухоро Мужандислик-технология институты МИИБ проректори:  
Бухоро Мужандислик-технология институты баш аудитори:  
Бухоро Мужандислик-технология институты АРМ башлиги:  
Бухоро Мужандислик-технология институты АРМ башлиги:



«ТАСДИҚЛАНДИ»

Буюртмачи номи:

Бухоро Мухандислик технология  
институти

Ректор \_\_\_\_\_ Н.Р.Баракаев  
“ ” 2022 йил



Бухоро Мухандислик технология институти, Ётоқхона биноларининг ички ва ташки  
кисмларида видеокузатув тизимларини ўрнатиш ва ишга тушириш хизматини кўрсатиш

объекти бўйича:

## **ЭНГ ЯХШИ ТАКЛИФНИ ТАНЛАШ УЧУН ҲУЖЖАТ**

### **ТАНЛАШ ҲУЖЖАТНИ ИШЛАБ ЧИҚДИ**

"Бухоро Мухандислик технология  
институти."

2022 йил

## **МУНДАРИЖА**

### **НАШРДА ЧОП ЭТИЛАДИГАН ЭЪЛОН МАТНИ**

*(Танлаш иштирокчиларига тақдим этилмайди)*

### **ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИ**

#### **УМУМИЙ ҚИСМ**

**ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА**

**ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИ УЧУН ЙЎРИҚНОМА**

**ТАНЛАШ ТАКЛИФЛАРИНИ ТЕХНИК БАҲОЛАШ  
МЕЗОНЛАРИ**

**ТАНЛАШ КОМИССИЯСИ ТАРКИБИ**

**ПУДРАТ ТАШКИЛОТЛАРИНИ АНИҚЛАШ  
СХЕМАСИ**

#### **ТЕХНИК ҚИСМ**

**БАЖАРИЛАДИГАН ИШ ҲАЖМЛАРИ РЎЙХАТИ**

#### **ТИЖОРАТ ҚИСМ**

**БҮЮРТМАЧИННИГ БОШЛАНГИЧ НАРХИ**

**ХИЗМАТ КУРСАТИШНИ ЯКУНЛАШ МУДДАТИ**

**МОЛИЯЛАШТИРИШ МАНБАСИ**

**МОЛИЯЛАШТИРИШ ШАРТЛАРИ**

**ШАРТНОМА ВАЛЮТАСИ**

## БАРЧА ХИЗМАТ КУРСАТУЧИ ТАШКИЛОТЛАРИ ДИҚҚАТИГА !!!

**Бухоро Мухандислик технология институти**  
*(Буюртмачи ташкилот номи)*

### **Энг яхши тақлифни ТАНЛАШ учун эълон қилиди**

---

Объект номи: Бухоро Мухандислик технология институти ётоқхона биноларида видеокузатув тизимларини ўрнатиш ва ишга тушириш хизматини кўрсатиш 131984449 сўм. (ККС билан)

Ишларни тугаллаш муддати –10 календарь кун.

Буюртмачи: Бухоро Мухандислик технология институти

• , Тел (65) 223 78 84.

#### **Молиялаштириш манбаси: Бюджет маблағлари хисобидан.**

- ◆ Танлаш иштирокчилари қўйидаги талабларга лойик бўлишлари лозим: иш (хизмат)ларни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассисларнинг мавжудлиги, мутахассисларнинг етарли касбий ва техниковий малакага, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала лаёқати ваколатларига эга ва тажрибали бўлишлари шарт.
- ◆ Маҳаллий ва хорижий қурилиш ташкилотлари танлашда қатнашганда, танлаш тақлифларини баҳолашда маҳаллий танлаш иштирокчиларга қўйидаги нарх кўрсаткичлари хисобга олинади:
- ◆ Тақлифларни баҳолашда иштирокчиларнинг танлаш тақлифлари қонун ҳужжатларига мувофик кўшилган қиймат солиғидан озод қилинган импорт қилувчиларнинг товар (иш, хизмат)лари кўшилган қиймат солиғи суммаси қўшимча равишда хисобга олинади.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги тақлифлари ва танлаш ҳужжатларини [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) сайдидан олишлари мумкин

- ◆ Тасдиқланган танлаш ҳужжатлари буюртмачи томонидан жойлаштириладиган давлат харидлари бўйича [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин.
  - ◆ Тақлифлар танлаш ташкилотчиси томонидан [etender.uzex.uz](http://etender.uzex.uz) электрон танлаш эълонида чоп этилган кундан бошлаб тугайдиган вақтига қадар қабул қилинади.

**Бухоро Мухандислик технология институти:**

---

## ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ УЧУН ТАКЛИФНОМА

Бухоро Мухандислик технология институти ётоқхона биноларида видеокузатув тизимларини  
ўрнатиш ва ишга тушириш хизматларини кўрсатиш

(буюртмачи номи ва объект номи)

танлашда иштирок этишга танлаш иштирокчиларини таклиф этамиз ва қуйидаги объект  
бўйича танлаш таклифини тақдим этилишини сўраймиз.

Объект номи: Бухоро Мухандислик технология институти ётоқхона биноларида  
videokuzatuv tizimlарini urnatiш ва ishga tushiриш xizmatini kursatiш

Хизмат курсатиш бошланғич нархи – 131984449 сўм. (КҚС билан)

Ишларни тугаллаш муддати – 10 календарь кун.

Буюртмачи: Бухоро Мухандислик технология институти,

**Молиялаштириш манбаси: : Бюджет маблағлари ҳисобидан.**

Таклиф этилган шартлар бўйича танлашда мурожаат билан маҳаллий ташкилотлар иштирок  
этишлари мумкин.

Энг яхши таклифни Танлашда иштирок этиши учун иштирокчиларга қуйидаги талаблар  
кўйилади:

фуқаролик-муомала лаёқати ва шартнома тузиш ваколати;

доимий ходимлари, жумладан муҳандис-техник ходимларига эга бўлиши;

ишлаб турган асосий воситалари, шу жумладан ишлаб чиқариш базаси, машина ва  
механизмлар, кичик механизация воситаларига эга бўлиши;

ўз айланма маблағлари билан таъминланганлиги (кўрсаткич 0,2 коэффициентдан кам  
бўлмаган);

тўловга қодирлиги (кўрсаткич 1,25 коэффициентдан кам бўлмаган);

танлаш обьектига ўхшаш обьектларда ишлаганлик тажрибаси мавжудлиги;

бажарилган ишлар, шу жумладан ўз кучи билан олдин бажарилган ишлар ҳажми ҳақидаги  
маълумотларни тақдим этиш;

устав фонди микдори тўғрисидаги маълумотлар.

Агар танлаш предмети бўлган иш (хизмат)ларни бажариш билан боғлиқ фаолият конун  
хужжатларига мувофиқ лицензияланиши зарур бўлса, танлашда иштирок этиш учун белгиланган  
тартибида асосан тегишли лицензияга эга бўлган танлаш иштирокчиларга рухсат этилади.

Куйидаги танлаш иштирокчиларига танлаш жараёнларида иштирок этишга рухсат  
берилмайди:

қайта ташкил этилиш (бўлиниш, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турганлар;

мол-мулки мусодарага олинганлар ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг  
ва бошка шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хуқукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги  
мавжуд ташкилотлар.

Ҳар бир обьект бўйича қурилишда ишлатиладиган машина ва механизмлар рўйҳати тўлиқ  
илова қилиниши керак.

Ҳар бир объект бўйича тендерга эълон берган вақтида ишчилар сони ва инженер техник ходимлар сонини тўлиқ кўрсатилиши керак. Мехнат дафтарчалари ва буйруқ ҳар бир ишчи билан тузилган меҳнат шартномаси бўлиши керак.

Агарда комиссия томонидан текширишда ёки баҳолангандага нотўғри маълумот берилса тендер ҳужжатлари кўрилмасдан қайтарилади.

Танлаш таклифини тайёрлаш ва тақдим этиш учун керакли барча ҳужжатлар танлаш иштирокчилари учун йўриқномада акс эттирилган.

Танлаш иштирокчилари танишиб чиқиш ва танлаш таклифини тузиш мақсадида танлаш предметининг таъмиглаш ҳужжатлари, хусусан, таъмилашнинг график қисми (чизмалари)ни тақдим этилиши ҳакида танлаш ташкилотчисига мурожаат қилишга ҳақлидир.

Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси обьектнинг таъмилаш ҳужжатларини, шунингдек унинг график қисмини (чизмаларнинг нусхаси ёки электрон варианти)ни танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

Танлаш иштирокчилари танлашда қатнашиш тўғрисидаги таклифлари ва танлаш ҳужжатларини etender.uzex.uz сайдидан олишлари мумкин

Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг танлаш ҳужжатларига қўйилган талабларни ўргангани ва унда кўрсатилган ишларни бажариш, ишларнинг физик ҳажмлари, материал ва конструкциялар ҳажмлари ҳамда бошқа шартларга нисбатан таъмилашнинг тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган саволлар йўқлигига далолат ҳисобланади.

Таклифларни танлаш эълон қилинган санадан бошлаб 5 (беш) иш кундан кейин танлаш комиссияси томонидан etender.uzex.uz маҳсус ахборот портали оркали куриб чиқилади.

## **Бухоро Мухандислик технология институти:**

## ТАНЛАШ ИШТИРОКЧИЛАРИГА ЙЎРИҚНОМА

### I. ИШЛАРНИНГ ҚИСҚАЧА ТАЪРИФИ

1.1. Буюртмачи - танлаш ахборот жадвалида (кейинги ўринларда ТАЖ деб аталади) кўрсатилган объект бўйича ишларни олиб боришни мўлжаллаб, танлаш ташкилотчиси номидан иш юритиб, ТАЖда кўрсатилган объект бўйича танлаш эълон килади.

1.2. Танлашнинг тури – очик танлаш, агар ТАЖда бошқача айтиб ўтилмаган бўлса.

1.3. Ишлар танлаш хужжатларининг иловада кўрсатилган намунавий шартнома талабларига биноан бажарилиши лозим.

1.4. Курилиш ишлари, Ўзбекистон Республикаси худудида амал килувчи шаҳарсозлик нормалари ва коидаларига тўла мос келишини таъминлаш мақсадида, талаб қилинадиган барча ишчи кучлари, курилиш материаллари, ёнилғи, товарлар, жиҳозлар, умумий ва алоҳида характердаги иш турлари, барча зарур бўлган йўлдош ва ёрдамчи иш ва материаллар, танлаш иштирокчилари фаолиятини мувофиқлаштиришни назарда тутади.

### II. ТАНЛАШ ХУЖЖАТЛАРИНИНГ МУНДАРИЖАСИ

2.1. Ушбу танлаш хужжатлари Ўзбекистон Республикасининг “Давлат харидлари тўғрисида”ги 2021 йил 22 апрелдаги №ЎРҚ 684-сонли конунига мувофик хамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 27 сентябрдаги “Давлат харидлари тўғрисида”ги конунини амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисидагиги ПҚ-3953-сонли қарорининг талабларига биноан ишлаб чиқилган ва умумий, техник ва тижорат қисмларидан иборат.

2.2. Умумий қисм танлаш иштирокчиларига таклиф, шартноманинг умумий талаблари ва мазкур йўрикномани, шакл ва иловалар кўшилган ҳолда, ўз ичига олади.

2.2.1. Шакллар рўйхати:

1-шакл. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати.

2-шакл. Танлаш иштирокчиси ҳакида умумий маълумотлар.

3-шакл. Танлаш иштирокчисининг молиявий кўрсаткичлари.

4-шакл. Танлаш иштирокчисининг иш ҳақи жамғармаси ва ҳодимлар ўртacha сони бўйича кўрсаткичлари.

5-шакл. Банк кафиллиги.

6-шакл. Танлашдаги объектга ўхшаш объектларда охирги уч йиллик иш тажрибаси.

7-шакл. Танлаш иштирокчисининг ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати.

8-шакл. Танлаш иштирокчисининг жорий даврдаги бошка (шартномалари) объектлари.

9-шакл. Камера ўрнатиш майдончасини кўздан кечирганлиги тўғрисида маълумотнома.

2.2.2. Иловалар рўйхати:

1-илва. Объектнинг жамланма жадвали, объектда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхати, объект хизмат кўрсатишининг шартномавий нархини белгилашда ишлатилган асосий нарх шакллантирувчи компонентларининг нархлари.

2.3. Техник қисм:

буюртмачи томонидан тасдикланган қиймати киритилмаган физик иш ҳажмлари рўйхати; (4-илва асосида) жиҳозлар, материал ва конструкциялар буюртмасининг тўлиқ рўйхатидан иборат.

Изоҳ: Ўрнатишнинг хусусиятига қараб техникавий қисм маркибига ТАЖга биноан бошка ҳужжатлар ҳам киритилиши мумкин.

2.4. Тижорат қисми:

Камера ўрнатишнинг бошланғич нархи;

ўрнатишнинг муддати;

молиялаштириш манбаси, шартлари хамда шартнома лойихасидан иборат.

### III. ИШТИРОКЧИЛАРИНИНГ ТАНЛАШДА ИШТИРОК ЭТИШ ШАРТЛАРИ

3.1. Мазкур ишлар бўйича танлашда таклиф этилган шартларда иштирок этиш максадида мурожаат маҳаллий ва хорижий курилиш ташкилотлари танлаш иштирокчиси бўлиши мумкин.

3.2. Танлаш иштирокчиси танлашда иштирок этиши учун танлаш ташкилотчисига мурожаат этиши, мазкур йўрикноманинг VII боби талабларига биноан танлаш таклифини тақдим этиши лозим.

3.3. Танлаш иштирокчиси ўзининг танлаш таклифларини тайёрлаш ва тақдим этиши билан боғлик барча харажатларни ўз зиммасига олиши керак. Бунда буюртмачи, танлаш ташкилотчиси ва танлаш комиссияси танлаш натижаларидан катъий назар мазкур харажатлар учун жавобгар бўлмайди.

3.4. Танлаш иштирокчилар томонидан тақдим этиладиган ҳужжатлар (таклифлар) танлаш хужжатларида кўрсатилган талабларга жавоб бериши керак.

### IV. ТАНЛАШ ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИРИШ КИРИТИШ

4.1. Буюртмачи танлашда иштирок этиши учун таклифлар бериш муддати тугайдиган санадан камида уч кун олдин танлаш ҳужжатларига ўзгартаришлар киритиш тўғрисида карор қабул килишга ҳақли. Иш ҳажмларни (хизматларни) ўзгартаришга йўл кўйилмайди. Бунда ушбу танлашда таклифлар бериш тугайдиган муддат танлаш ҳужжатларига ўзгартаришлар киритилган санадан эътиборан камида ўн кунга узайтирилиши керак.

Шу билан бир вактда, танлаш ташкилотчиси киритилган ўзгартаришлар ҳақида танлашда иштирок этиши истагини билдирган танлаш иштирокчиларига билдиришномалар юборади.

4.2. ТАЖда кўрсатилган муддат доирасида танлаш иштирокчиси ёзма равишда танлаш ташкилотчисига танлаш хужжатлари бўйича тушунтириш ва аниклик киритиш мақсадида мурожаат килишга ҳақли.

4.3. Танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчисининг сўрови бўйича танлаш хужжатларига оид маълумот ва материалларга тушунча бериш билан боғлик сўровлар моҳияти бўйича таклифларни топширишнинг ТАЖда кўрсатилган муддатдан кечикмасдан ёзма равишда жавоб беришга, сўров манбасини кўрсатмаган ҳолда танлашда иштирок этиш истагини билдириган танлаш иштирокчиларига жавобларни жўнатишига мажбур.

4.4. Танлаш хужжатларига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш улар буюртмачи, танлаш ташкилотчисининг шахсий ташаббуси билан ёки танлаш иштирокчисининг сўровига жавобан амалга оширилганигидан катъий назар “Танлаш иштирокчилари хабарнома” кўринишда расмийлаштирилади ва танлаш хужжатларига қўшимча бўлиб колади. Шу кўринишда расмийлаштирилмаган ўзгартиришлар ва қўшимчалар кучга эга бўлмайди. Буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси танлаш иштирокчилари ноконуний киритган ўзгартириш ва қўшимча учун жавобгар бўлмайдилар.

4.5. Танлаш иштирокчилари хабарномани олгач унинг илова қилинган нусхасига имзо чекиб, дархол уни ташкилотчиға қайтаришлари керак.

4.6. Танлаш иштирокчилари учун хабарнома тузишдан олдин оғзаки шаклда қилинган йўриқномалар эътиroz учун асос бўла олмайди.

4.7. Танлаш иштирокчиларига ўз таклифларига ўзгартиришлар киритиш учун зарур вакт тақдим этиш мақсадида ташкилотчи танлаш комиссияси билан келишилган ҳолда мазкур йўриқноманинг XIII бобига мувофиқ таклифлар тақдим этиш муддатини узайтириши мумкин. Бунда танлаш иштирокчилари жўнатиладиган хабарномада таклифлар тақдим этиш муддатини янги охирги санаси белгиланади.

#### V. ҲУЖЖАТЛАРНИ ЎРГАНИШ

5.1. Танлаш иштирокчилари танлаш ва таъмирлаш ишлари хужжатларини ўрганиб чиқишлиари керак, танлаш иштирокчилари танишиб чиқиши мақсадида танлаш предметининг таъмирлаш хужжатлари, хусусан, таъмирлашнинг график кисмини буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси томонидан тақдим этилиши ҳақида мурожаат килишга ҳақлидилар.

Шунингдек, буюртмачи ёки танлаш ташкилотчиси таъмирлаш хужжатларини танлаш иштирокчиларига уларнинг биринчи талабиданоқ тақдим этишга мажбур.

5.2. Танлаш иштирокчилари ишлар олиб бориладиган ер участкасини, мавжуд бино ва иншоотларни бориб кўришлари, жойнинг ўзида лойиҳа-смета хужжатларини ўрганиш натижасида, талаб этилган ишларни олиб бориш учун ҳал этилиши лозим бўлган муаммоларнинг мазмун ва моҳияти билан танишишлари, шунингдек иш муддати ва унинг кийматига таъсир этиши мумкин бўлган бошқа масалаларни ўрганишлари зарур.

5.3. Таклифларни топшириш танлаш иштирокчисининг юқоридағиларни ўргангани ва унда бажариладиган иш ҳажмларига, материал ва конструкциялар ҳажмига, бошқа шартларга нисбатан, таъмирлаш тугаллашга таъсир этиши мумкин бўлган савол йўқлигига далолат ҳисобланади.

#### VI. ТАНЛАШ ТАКЛИФИНИ ТАЙЁРЛАШ

6.1. Танлаш иштирокчилари томонидан тайёрланган таклиф, танлашга оид барча хабарномалар ва хужжатлар, танлаш иштирокчилари билан буюртмачи ва ташкилотчи ўртасидаги маълумот алмашувлар ТАЖда кўрсатилган тилда олиб борилиши лозим.

6.2. Танлаш иштирокчиси томонидан тайёрланган танлаш таклифида, унга оид барча хабарномалар ва хужжатларда метр системаси ўлчовидан фойдаланилади.

6.3. Танлаш иштирокчиси танлаш таклифини мазкур танлаш хужжатлари асосида тайёрлайди. ТАЖда ва танлаш хужжатларининг бошқа кисмларида кўрсатилган маълумотларда тафовут бўлганида, танлаш иштирокчиси танлаш таклифини тайёрлашда ТАЖ маълумотларини ҳисобга олиши лозим.

6.4. Танлаш иштирокчиси ўз танлаш таклифининг таркибида факат тўғри маълумотларни тақдим этиши шарт ва маълумотларнинг тўғрилигига жавобгардир.

#### VII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ ТАРКИБИДАГИ ҲУЖЖАТЛАР

7.1. Танлаш таклифлари, 7.7-бандда кўрсатилган ҳоллардан ташқари, иккита - биринчи ва иккинчи йиғма жилдан иборат. Биринчи йиғма жилдга кирувчи хужжатларда танлаш таклифи кийматига оид ҳеч кандай ахборотлар бўлмаслиги керак. Таклифни ташкил этувчи барча нархлар, тарифлар ва якуний суммалар факат иккинчи йиғма жилд хужжатларida бўлиши керак.

##### 7.2. Биринчи йиғма жилд таркибидаги хужжатлар:

7.2.1. ТАЖда кўрсатилган суммага банк кафолатини (1-шакл) ёки ушбу суммани буюртмачининг маҳсус ҳисоб рақамига ўтказиш топширикномасининг нусхасини тақдим килиш йўли билан танлашда иштирок этиши буюртманомасини таъминлаш амалга оширилади. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати обьект бошланғич нархининг 0,5 фоизидан ошмаслиги зарур. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатининг амал килиш муддати ТАЖда кўрсатилган.

7.2.2. Танлаш иштирокчиси ҳақида умумий маълумотлар (2-шакл). Шаклни тўлдиришида мутахассислар рўйхати ва ишчилар сони танлаш иштирокчиси томонидан мустакил кўрсатилади. Кўрсатилган ходимларнинг ҳакиқатда мавжудлиги, уларни иш стажи ва малакасини тасдиқловчи хужжатлар нусхасини тақдим этишга мажбур.

7.2.3. Танлаш иштирокчисининг охирги уч йилдаги молиявий аҳволи (3-шакл). Шаклга Танлаш иштирокчиси аудитор компаниясининг хулосаси ёки молиявий натижалар ҳақидаги ҳисоботлар (баланс ҳисоботлар)нинг

нусхаларини илова килишга мажбур. Агар ТАЖда бошкача кўрсатилмаган бўлса, 4-шаклдаги маълумотлар минг сўмда келтирилади.

Объектнинг буюртмачи белгиланган бошланғич нархининг 20 %гача микдоридаги айланма маблағлар мавжудлиги (хизмат килувчи банк томонидан тасдикланган айланма маблағлари мавжудлиги тўғрисидаги маълумотнома асосида баҳоланади.)

7.2.4. Тендер иштирокчисининг иш хаки жамғармаси ва ҳодимлар ўртача сони бўйича кўрсаткичлари (4-шакл). Шакл ташкилотнинг охирги ҳисобот даври асосида молиявий кўрсаткичлари тўлдирилиб тегишли солик органлари томонидан тасдикланади.

7.2.5. Танлаш предметига ўхаш объектларда охирги 3 йиллик иш тажрибаси (5-шакл). Ушбу жадвалда танлаш иштирокчиси танлаш предметига ўхаш ишларнинг асосий турларини кўрсатиб ўтиши (кенгайтирилган ҳолда хам мумкин) ва ушбу ишларнинг бажарилган суммасини кўрсатиши керак. Шаклда кўрсатилган маълумотларни тасдиғи сифатида давлат қабул комиссияларининг далолатномалари (агар танлаш иштирокчиси ёрдамчи пудратчи сифатида бўлган бўлса ҳисоб-фактура маълумотномалари) илова қилинади.

7.2.6. Танлаш иштирокчиси ишларни бажаришда фойдаланадиган машина ва механизмлари рўйхати (6-шакл). Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, ижара ва лизинг асосидаги машина ва механизмлардан фойдаланишга рухсат этилади. Бунда танлаш иштирокчиси таъмирлаш ишларнинг бажариш даврида хақиқий бўлган лизинг ёки ижара шарномасининг нусхасини илова қилиши керак.

7.2.8. Талабгорнинг танлаш ўтказилаётган даврдаги жорий шартномалари (объектлари) бўйича маълумот. (7-шакл).

7.2.9. Ўрнатиш майдонини кўздан кечирганлик тўғрисида маълумотнома (8-шакл).

7.2.7. Танлаш иштирокчисига берилган, хужжатларга имзо чекиши ва танлашда катнашиш хуқукини берувчи ишончнома (9-шакл). Танлаш иштирокчисининг биринчи шахси (раҳбари) хозир бўлганда ушбу шакл тўлдирилмайди.

7.2.8. Иштирокчининг давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисидаги хужжатларининг нусхалари.

7.2.9. Лицензиялар ёки рухсатномалар нусхаси, субпудратчининг лицензияси ва бошқа хужжатлари (айрим ҳолларда), рухсатномалари нусхалари билан бирга, агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса. Лицензиялар ва рухсатномалар номи хам ТАЖда кўрсатилган.

7.2.10. Юқорида сўралган шакллар ва хужжатларга танлаш иштирокчиси ТАЖда кўрсатилган тасдиковчи хужжатларни илова қилиши керак.

### 7.3. 2-ийғма жилд таркибидаги хужжатлар:

7.3.1. Хизмат курсатиш ишларин бажаришга буюртма (1-илова).

7.3.2. Объектнинг хизмат курсатиш ишларини бажариш графиги (2-илова).

7.3.3. Объект хизмат кўрсатиш молиялаштириш графиги (3-илова).

7.3.4. Объект хизмат кўрсатишнинг шартномавий нархини белгилашда кўлланилган:

- жамланма жадвал;

- объектда бажариладиган иш ҳажмлари жадвали;

- объектда ишлатиладиган қурилиш материаллари (материаллар таснифи ва микдори билан) рўйхатлари жадвали (4-илова).

Бажариладиган ишлар ҳажми жадвалини танлаш иштирокчиси ўз таклифида ҳар бир иш тури бўйича бир бирлик иш ҳажмлари нархини ресурсларни акс эттирасдан тақдим қиласди.

Курилиш материаллари бўйича жадвални тўлдириш юзасидан 8.2 бандга каранг.

7.4. Буюртмачи танлашда катнашиш буюртмаси таъминотини қўйидаги ҳолатларда қайтаради:

7.4.1. Танлаш ғолибига - шартнома (контракт) имзолангандан кейин;

7.4.2. Бошқа иштирокчиларга - танлаш ғолиби билан шартнома (контракт) тузилгандан сўнг, аммо офертанинг амал қилиш муддатидан кечикмай;

7.4.3. Таклифни тақдим этишининг охирги куни ва вакти тугагунга қадар таклифларини қайтариб олган иштирокчиларга.

7.5. Буюртма таъминотини қайтариш, банк амалиётларининг харажатларидан ташкари, қайтариш асоси вужудга келган вактдан эътиборан 10 (үн) кун муддат мобайнода амалга оширилади.

7.6. Танлашда иштирок этишга буюртма таъминоти қўйидаги ҳолатларда қайтарилмайди:

7.6.1. Таклифни тақдим этишининг охирги куни ва вакти тугагандан кейин, унга ўзгартариш киритган, тендер таклифининг амал қилиш муддати ва 7.4.2 бандда кўрсатилган муддатдан олдин қайтариб олган оферентга;

7.6.2. Танлаш ғолиби унинг таклифи амал қилиш даврида ўз таклифини қайтариб олганда ёки танлаш хужжатларида белгиланган талабларда шартнома тузишдан бош тортганда.

7.7. Дастлабки малака танлаши орқали танлаш ўтказилганда биринчи йиғма жилд хужжатлари малакавий хужжатлар деб, иккинчи йиғма жилд хужжатлари эса танлаш таклифи деб ҳисобланади.

## VIII. ТАНЛАШ ТАКЛИФИ НАРХИ

8.1. Ишларнинг киймати 4-иловада кўрсатилган объективда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатига биноан тақдим этилиши керак. Объективда бажариладиган иш ҳажмлари рўйхатидаги ҳар қайси ўрин бўйича бўш жойлар танлаш иштирокчиси таклиф этаётган баҳо кўрсатилган ҳолда аниқ тўлдирилган бўлиши лозим. Танлаш иштирокчиси таклифининг умумий нархини аниклашда оралик суммалар жамланади. Танлаш иштирокчилар пудрат ишлари танлашда иштирок этаётганда объективнинг таклиф этилаётган кийматини, курилиш-монтаж ишларининг шартномавий баҳолардаги тўғридан тўғри киймати сифатида бошқа харажатлар ва кўшимча киймат солиги (КҚС)ни ҳисобга олган

холда белгилашлари керак. Ўрнатиш-монтаж ишларининг тўғри кийматига доимий коэффицент сифатида кўлланиладиган бошқа харажатлар қийматини танлаш иштирокчиси мустакил равишда белгилайди ва ишлар кийматига киритади. Бунда, танлаш иштирокчиси ташкилотлар таклиф этаётган нархни ҳисоблашда 1 ва 4-иловалар талабларига амал килиши шарт.

8.2. Танлаш иштирокчиси объектдаги ишларнинг шартномавий нархини белгилашда кўлланилган қурилиш материалларининг нархлар ва компонентлар жадвалини тўлдиради. Бунда ўрнатиш материаллари турини танлаш ҳужжатларида Ф-5 шаклидаги (локаль ресурс қайдномаси) рўйхатдан олади ва пурратчи томонидан мустакил танлаш предметининг техник жиҳатларидан келиб чиқиб тўлдиради.

Ҳар бир аник объект асосий камера ўрнатиш материаллари номенклатураси (расмий рўйхати) объект кийматининг 100 % ини (ложихада кўзда тутилган) ташкил этувчи материалларини ҳисобга олган ҳолда тўлдирилади.

8.3. Танлаш иштирокчиси объектда бажариладиган иш ҳажмларининг баҳолангандан рўйхатини ва асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлар жадвалини босма кўринишда, хат доғларисиз ва тузатишларсиз тақдим этиши керак.

8.4. Сўз билан ёзилган нарх ва ракам билан кўрсатилган нарх орасида тафовут бўлса, сўз билан кўрсатилган нарх қабул қилинади.

8.5. Ҳажм бирлигининг қиймати ва ишнинг умумий ҳажми суммаси орасида тафовут бўлса ҳажм бирлигига белгиланган нарх қабул қилинади.

8.6. Танлаща белгиланган камера ўрнатишнинг нархи ва муддати ўзгартирилмайди, қонунчилик билан белгиланган ҳолатлар (буортмачи томонидан ишлар ҳажмини ўзгартирилиши, енгилмас куч таъсири, қурилишнинг бир йилдан ортиқ давомийлиги) бундан мустасно.

8.7. Шартнома нархини иккинчи ва кейинги йилларга мувофиқлаштириш асосий нарх шакллантирувчи компонентларнинг нархлари ўзгарганда қонунчиликда белгиланган тартибда олиб борилади.

## **IX. ТАНЛАШ ТАКЛИФИННИГ АМАЛ ҚИЛИШ ДАВРИ**

9.1. Танлаш таклифининг амал қилиш даври танлаш таклифлари элон якунланганидан кейин 10 кунгача қуриб чиқилади

### **X. ТАКЛИФЛАРНИ БЕРИШ ШАКЛИ**

10.1. Танлаш иштирокчиси таклифни e tender.uzex.uz портали оркали амалга оширилади

### **XVII. МОЛИЯВИЙ ТАКЛИФЛАРНИ КЎРИБ ЧИҚИШ, ЯКУНИЙ БАҲОЛАШ, ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ АНИҚЛАШ**

17.1. Молиявий таклифларни очиш ва баҳолаш танлаш комиссияси томонидан танлаш таклифларининг биринчи йиғма жилларини тасдиклаш ва уларни кўриб чиқиш натижалари эълон қилинганидан сўнг амалга оширилади.

17.2. Иккинчи йиғма жилларни очилишига малака танлашидан муваффақиятли ўтган танлаш иштирокчиларига рухсат этилади.

17.3. Иккинчи йиғма жилларни очилиши мазкур танлаш иштирокчилари йўрикномасининг XIV боби талабларига асосан амалга оширилади.

17.4. Танлаш комиссияси таклифларни бутлигини текширади, 2-йиғма жилд ҳужжатларини тўғри тўлдирилганлиги, имзолангани ва умумий ҳолати юзасидан ўрганади.

17.5. Агар танлаш комиссияси томонидан 2-йиғма жилддаги таклиф ҳужжатларининг бирортасини танлаш ҳужжатлари талабларига жавоб бермаслиги аниқланган тақдирда танлаш иштирокчисининг таклифи рад этилиб, унинг мазмуни эълон қилинмасдан танлашдан четлатилади.

17.6. Танлаш комиссияси таклифлари 17.5-банднинг талабларига зид бўлмаган танлаш иштирокчиларининг 1-иловада кўрсатиб ўтилган нархи ва ишларни якунлаш муддатларини ўқиб эшилтиради.

17.7. Сўнгра таклифлар арифметик текширувдан ўтказилиб, таклиф таркибида келтирилган объектда бажариладиган иш ҳажмлари билан танлаш ҳужжатлари таркибида келтирилган иш ҳажмларини солиштириш амалга оширилади ва танлаш таклифларига молиявий баҳо берилади.

17.8. Арифметик хатолар мазкур танлаш иштирокчилари йўрикномасининг 8.4 ва 8.5-бандларига биноан тузатилади.

17.9. Зарур бўлганда, танлаш комиссияси 2-йиғма жилд ҳужжатларида келтирилган маълумотларни, хусусан ҳисоб-китобларнинг иктисодий асосланганлиги, иш ҳажмлари танлаш ҳужжатларига жавоб бериши ва бошқа ҳолларни батафсил ўрганиш учун комиссия аъзолари ва жалб этилган мутахассислардан иборат баҳолаш гурухи тузиш хукукига эга.

17.10. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, барча молиявий таклифлар Ўзбекистон Республикаси миллий валютасида баҳоланади (ўтказилади).

17.11. Агар ТАЖда бошқача кўрсатилмаган бўлса, танлаш иштирокчиларининг таклифлари куйида кўрсатилган танлаш таклифларининг молиявий баҳолаш мезонларига биноан баҳоланади:

### **XVIII. ТАНЛАШ ҒОЛИБИНИ ЭЪЛОН ҚИЛИШ**

18.1. Танлаш ғолибини эълон қилиш e tender.uzex.uz портали оркали амалга оширилади

## XIX. ШАРТНОМАНИ ИМЗОЛАШ, ОБЪЕКТ СУГУРТАСИ

19.1. Агар ТАЖда бошқа ҳолат кўрсатилмаган бўлса, таклифни қабул қилиш ҳакидаги хабарнома олинган кундан бошлаб 10 (үн) кун давомида ғолиб ТАЖда кўрсатилган шакл ва сумма бўйича пурдат шартномасини имзолаши керак, агарда белгиланган муддат бошқа сабабларга кўра узайтирилмаётган бўлса.

19.2. Хизматлар кўрсатиш шартномаси, хизмат кўрсатувчи ташкилотларининг мулкчилик шаклидан катъий назар қўшилган қиймат солигини хисобга олган ҳолда, танлаш хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича тузилиши лозим ва томонларнинг ҳеч бири Ўзбекистон Республикаси конунчилигига мувофиқ бошқа томон билан келишмаган ҳолда ўзгартиришлар киритишга ва бошқа шартларни таклиф этишга ҳақли эмас (ТАЖга каранг).

19.3. Агар танлаш ғолиби мазкур танлаш хужжатларида кўзда тутилган талаблар бўйича шартномани тузишдан бош тортса, унда буюртмачи, танлаш комиссияси билан биргаликда, таклифи иккинчи ўринни олган танлаш иштирокчисини танлаш ғолиби деб топиши ёки тақорорий танлаш ўтказишини тайинлаши мумкин.

19.4. Буюртмачи ғолиби розилигисиз, мазкур танлаш хужжатлари ва Ўзбекистон Республикаси конунчилигига кўзда тутилган талаблар бўйича шартнома тузишдан бош тортган тақдирда, ғолиб иктиносидий судга мурожаат қилишга ҳақли.

19.5. Танлаш ғолиби хизматлар суғуртасини конунчилиқда белгиланган тартибда таъминлайди.

## XXI. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

21.1. Танлаш қуйидаги ҳолларда бўлиб ўтмаган деб эълон килинади, агар:

- таклифларни бериш муддатини якунланишига учтадан кам таклиф келиб тушса;
- агар таклифларни кўриб чиқиши натижасида танлаш комиссияси барча таклифларни рад этган бўлса ёки факат битта таклиф танлаш хужжатлари талабларига мувофиқ келса:
  - танлаш иштирокчилари таклиф этган нархлар танлаш предметининг бошлангич қийматидан ошик бўлса;
  - танлаш комиссияси томонидан асосланган бошқа ҳолатлар юзага келиб, ваколатли орган билан келишилган ҳолда танлаш ўтказилмаган деб топилса.

21.2. Танлашни бўлиб ўтмаган деб эълон қилиниши танлашнинг бирон-бир иштирокчиси (танлаш комиссияси, буюртмачи, ташкилотчи, танлаш иштирокчилар)ни мулкий ёки бошқа жавобгарликка тортилишига олиб келмайди.

21.3. Агар танлаш бўлиб ўтмаган деб топилса, тақорорий танлаш ўтказилади. Бунда танлаш хужжатлари талабларини кайта кўришга рухсат этилади.

## XXII. ТАНЛАШ АХБОРОТ ЖАДВАЛИ

Ушбу бўлим танлаш предмети бўйича ва танлаш хужжатларнинг кўшимча маълумот ва талаблари маҳсус қоидаларини ўз ичига олади.

Т/р	Бўлим номи	Бўлимга изоҳлар
1.	Буюртмачи:	Бухоро мухандислик технология институти
2.	Объект номи:	Ётотхона биноси ички ва ташки кисмларига кузатув камералари ўрнатиш
3.	Танлаш тартиб рақами:	№
4.	Танлаш тури:	Очиқ танлаш.
5.	Танлаш хужжатларини электрон шаклда юклаб олиш манзиллари:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> маҳсус ахборот порталидан юклаб олишлари мумкин,
6.	Танлашни ўтказиш манзили, жойи ва муддати:	
7.	Декларация шакли:	1-шакл ёки Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолати объект бошлангич нархининг 0,5% ташкил киласи. Танлаш буюртмасини таъминлаш кафолатини олган кунидан бошлаб 1 ой амал қилиш муддати
8.	Танлаш ўтказиш тўғрисидаги эълон чоп этишга рухсат этилади:	<a href="https://etender.uzex.uz">https://etender.uzex.uz</a> маҳсус ахборот порталида эълон килинади.
9.	Танлашда иштирок этишга қуйидаги танлаш иштирокчиларига рухсат этилади:	Етарли машина-механизмлар билан таъминланган, соҳа бўйича зарур курувчи-мухандисларга ва ўхшаш обьектлар қурилишида бой тажрибага эга бўлган, молиявий барқарор ташкилотлар иштирок этадилар. Кайта ташкил этилиш (бўлинish, қўшилиш), тугатиш ёки банкротлик арафасида турмаганларга, мол-мулки мусодарага олинмаган, ҳамда муассислик келишув, молиявий иштирок, холдинг ва бошқа шаклда ифодаланган бевосита ташкилий-хукукий ёки бир-бирига молиявий қарамлиги мавжуд бўлмаганларга. Икки ёки ундан ортиқ пурдат ташкилотлари биргаликда (консорциум ташкил этиш орқали) иштирок этишларига рухсат этилмайди.

10.	Лицензия талаб этиладиган иш турлари (агар мавжуд бўлса):	
11.		
12.	Танлаш таклифларини тақдим килиш муддатлари:	Офёрталарни тақдим этишнинг охирги муддати порталда белгиланган танлашнинг якуний муддатига кадар.
13.	Танлаш хужжатининг тили:	Ўзбек/рус тиллари
14.	Танлаш таклифининг амал килиш муддати:	Танлаш таклифлари очилгандан кейин 20 кундан кам бўлмаган муддат.
15.	Танлаш предметининг обьектида ишлатиладиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизmlари, асбоб-ускуналари:	6-шаклига асосан “Ишларни бажаришда фойдаланадиган танлаш иштирокчисининг машина ва механизmlари рўйхати”.
16.	Танлашда иштирок этиш учун талаб килинадиган айланма маблағлари миқдори.	Талаб килинадиган айланма маблағлари миқдори 20 фоиз миқдорида.
20.	Танлаш таклифларини баҳолаш муддати:	Таклифлар бериш тугаганидан кейин 10 кун ичida
21.	Танлаш иштирокчиларининг техник ва молиявий кисмларини очилишига руҳсат этиладиган танлаш иштирокчилари:	Танлаш хужжатларида кўрсатилган малакали шахслар.
22.	Буюртмачининг обьект бўйича бошлангич нархи:	ККС билан 131984449 сум.
23.	Буюртмачи томонидан белгиланган курилиш муддати	10 календарь кун.
24.	Молиялаштириш манбаси:	Бюджетдан ташқари маблағлар
25.	Таъмирлашни молиялаштириш тартиби:	Таъмирлаш ишларининг жорий йилдаги кийматининг 30 % аванс (бўнак Охирги тўлов - 70% фойдаланишнинг тўлов кафолат муддати тугаганидан сўнг.
26.	Шартнома тили:	Ўзбек тили
27.	Шартнома валютаси:	Ўзбек сўмда